

## **Хива хонлиги тарихи манбалари**

(Муҳаммадризо Огаҳийнинг тарихий асарларини кодикологик хусусиятлари)

**Ур ДУ т.ф.н. М. Матякубова**

Муҳаммадризо Огаҳийнинг тарихга оид Риёз уд-давла» (1825-1842 йил воқеалари), Зубдат ут-таворих» (1843-1846 йил воқеалари), «Жомеъ ул-воқеоти султоний» (1846-1855 йил воқеалари), «Гулшани давлат» (1856-1865 йил воқеалари), «Шоҳиди иқбол» (1866-1872 йил воқеалари) асарлари хонлик тарихи бўйича асосий манбалардир. Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларини ўрганиш ва оммалаштириш борасида шу пайтгача талайгина илмий тадқиқот ишлари қилинган. Ўзбек тарихчилари билан бир қаторда рус шарқшунослари ҳам Мунис ва Огаҳий тарихий асарларини ўрганиб, ўзларининг ижобий фикрларини билдириб ўтганлар, шу ўринда В.В.Бартольднинг фикрларини келтириб ўтиш мумкин. В.В.Бартольд Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларига бундай баҳо беради: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар қанчалик камчиликка эга бўлмасин, тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича ёзилган ҳамма асарларни анча орқада қолдиради»<sup>1</sup>.

Бу қимматли қўлёзма манбалардан бири «Риёз уд-давла» асари бўлиб, у 1825 йилдан 1842 йилгача Хоразмда бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Бу асар Огаҳий тарафидан 1260/1844 йилда ёзилган. Огаҳий бу асарни ёзишда ўша давр тарихчиларининг анъанасига мувофиқ ҳамд ва наът билан бошлайди. Дастлаб ўз ҳаёти ҳақида қисқача гапириб, Хива хони Оллоқулихонга мақтовлар бағишлайди. Ундан сўнг тарих илмига таъриф бериб, бу асарнинг ёзилишига сабабчи бўлган шахслар ҳақида гапиради. Сўнггра Оллоқулихоннинг туғилишидан бошлаб, то вафотигача Хоразмда бўлган тарихий воқеаларни баён этади.

Асар орқали Огаҳийнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини ҳам ўрганиш мумкин. Бу асарнинг бир неча нусхаси Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида, шунингдек бир неча нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондидаги 821/II рақамлик нусха яхши сақлаган бўлиб, настаълиқ хатида, қора сиёҳ билан кўчирилган. Матн 25 сатрдан иборат. Боблар номлари ва ажратилган сўзлар қизил сиёҳда ўша давр анъанасига хос равишда китобат қилинган. Асар 1298/1880-81 йили кўчирилиб, 117 варақдан иборат, ўлчови 26,5х43,5 см. Котиби Мулла Муҳаммадризо ибн Муҳаммадкарим девон. 5364/II рақамли мазкур асарнинг нусхаси ҳам яхши настаълиқ хатида кўчирилган. Қора сиёҳда Қўқон қоғозига кўчирилган, матни 25 сатрдан иборат. Боблар номи ва ажратилган сўзлар қизил сиёҳда берилган. Котиби Мулла Муҳаммадризо ибн Муҳаммадкарим девон. Бироқ 345 варақдан бошлаб хат бироз ўзгарган, бундан асарнинг

давомини бошқа котиб кўчирган деган хулосага келиш мумкин. Қўлёзма Муҳаммад Раҳимхон II Феруз буйруғига кўра 244<sup>б</sup> варақда кўрсатилишича 5 ражаб 1321/ 1904 йил 27 сентябрда кўчирилган. Жами 120 варақдан иборат. Ўлчови 29,5x43,5 см<sup>ii</sup>.

Мазкур асарнинг яна икки нусхаси Россия ФА Қўлёзмалар институти фондида № Е6 ва Д 123 (590) рақамлари остида сақланади. Улардан биринчиси 113 варақ, ўлчови 27x48 см, иккинчиси 256 варақ, ўлчови эса 21x33 см. дан иборат. Иккови ҳам настаълиқ хатида ёзилган<sup>iii</sup>.

XIX аср Хоразм тарихига оид асосий қўлёзма манбалардан яна бири 1262 (1845-1846) йили Огаҳий тарафидан ёзилган «Зубдат ут-таворих» номли асардир. Бу асар «Риёз уд-давла» асаридан кейинги даврни, яъни 1843 йилдан 1846 йилгача Хоразмда бўлган тарихий воқеаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида бу асарнинг икки тўлиқ нусхаси сақланмоқда. Бу асарнинг 821/11 рақамли нусхаси яхши настаълиқ хатида қора сиёҳ билан қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. «Зубдат ут-таворих» тарихий асар бўлса-да, юксак бадий маҳорат билан ёзилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Асарнинг аввали: «Сипоси вофир тухфаси ул султони азамат нишон остониға нисордурким...», сўзлари билан бошланиб, охири: ... «Дониш аҳлининг хотири хатирларига маълум бўлсинким, бу мухтасарнинг (Зубдат ут-таворих) таълифи (Раҳимқулихоннинг) вафотидан сўнг санаи хижрия 1262 йилда илон йили раби ул-аввал ойининг тўртида, душанба куни [1845 2 март] ихтимом топди. Саҳву хато ва нуқсонин айб қилмай маъзур тутсинлар, балки лутф ва карам кўргузиб, ислоҳ берсинлар... Таммат ул-китоб санаи 1279 /1879-80. Роқими ин китоб Мулла Муҳаммадризо ибн Муҳаммадкарим девон марҳумий» сўзлари билан тамом бўлади. Асар 50 варақдан (386<sup>б</sup>-435<sup>а</sup>) иборат. Асарнинг 821/ II рақамли нусхаси ҳам настаълиқ хатида ёзилган бўлиб 50 варақдан иборат. Ўлчови 27x44 см. Мулла Муҳаммадризо ибн Муҳаммадкарим девони томонидан қўлёзма Муҳаммад Раҳимхон II Феруз буйруғига кўра 1279/1879-80 йили сарой кутубхонаси учун кўчирилган<sup>iv</sup>.

Огаҳий бу асарнинг аввалида «Риёз уд-давла» асарини тугатиб, Раҳимқулихоннинг олдиға олиб борганлиги ва ўзининг «Зубдат ут-таворих» номли асарини ёзишга киришгани ҳақида гапиради. Огаҳий бу асарни икки қисмга бўлган. Биринчи қисмида Раҳимқулихоннинг туғилишидан то хонлик тахтига чиққунча бўлган воқеалар баёни берилган. Иккинчи қисмида эса Раҳимқулихоннинг хонлик тахтига чиққандан сўнг то вафотигача бўлган воқеалар ҳақида ёзган<sup>v</sup>.

Россия ФА Қўлёзма институти фондида Е6 рақами билан мазкур асарнинг нусхаси сақланади. Асар настаълиқ хати билан қора сиёҳда кўчирилган. Матн қизил рангдаги рамкага олинган. Аммо асарнинг котиби номаълум. 1273/1856-1857 йили кўчирилганлиги аниқ. Ҳажми 52 варақ, ўлчови эса 27x48 см. Бу нусха Хоразм ҳукмдорларининг сарой кутубхонасидан олиб кетилган.

Огаҳийнинг яна бир асари 1846 йилдан 1855 йилгача Хоразмда бўлган тарихий воқеаларни баён этувчи «Жомеъ ул-воқеоти султоний» номли асаридир. Огаҳий унинг ёзилиши ҳақида асар муқаддимасида куйидагиларни ёзиб қолдирган: «Бу китобнинг ёзувчиси Эрнийезбекнинг ўғли Муҳаммадризо мироб, таҳаллусим Огаҳий куйидагиларни баён этаман. Муҳаммадаминхон давлат тепасига келган вақтда Раҳимқулихоннинг Хоразмда ҳукмронлик қилган вақтидаги бўлган тарихий воқеаларни ёзар эдим. Уни тезлик билан тамом этиб, Муҳаммадаминхонга тақдим этдим. Сўнгра бу китобимни ёзишга бошладим ва уни «Жомеъ ул-воқеоти султоний» деб атадим»<sup>vi</sup>. Асарнинг хон кутубхонасида сақланган иккита қўлёзма нусхасидан бири ҳозирда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида, иккинчиси эса Санкт-Петербургда сақланади.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган асарнинг бир нусхаси ўртача настаълиқ хати билан қора сиёҳда қўқон қоғозига ёзилган, ҳар бир бети 17 қатордан иборат. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Баъзи бир бетлар хошиясига ҳар хил тўлдиришлар киритилган. Кўп жойларда эса ноаниқ ва хато ёзилган сўзлар ўчирилиб, тўғрилаб ёзилган. 204<sup>a</sup> бетининг ярми ва 204<sup>b</sup> бетлари бўш қолган, ҳеч нарса ёзилмаган<sup>vii</sup>. Бу асарни Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган нусхаси билан солиштириб кўрилганда мазмун жиҳатдан иккаласи бир хил бўлиб чиққан.

Қўлёзмада кўчирувчининг номи ва кўчирилган йили кўрсатилмаган. Асарнинг ҳажми 310 варақдан иборат бўлиб, ўлчови 15 x 25,5 см<sup>viii</sup>. Хати ва қоғозига қараганда асар XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчирилган. Тадқиқот жараёнида бу нусханинг яхши сақланмаганлиги маълум бўлди.

«Жомеъ ул-воқеоти султоний» асарининг яна бир нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда. Бу нусха ҳам қора сиёҳ ва настаълиқ хати билан қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Матн қизил сиёҳли рамка ичига олинган.

Е6 жилди ичидан жой олган нусхаси эса жами 82 варақдан иборат бўлиб, ўлчови 27x48 см. Котиб Уста Қилич заргардир. Бу нусханинг охирида Огаҳий томонидан ёзилган Абдуллахон ва Қутлуғмуродхонлар давридаги воқеаларни баён этувчи қисм ҳам бор.

«Гулшани давлат» Огаҳийнинг Хоразм тарихига бағишлаган тўртинчи асаридир. Мазкур асарда 1856 йилдан 1865 йилгача бўлган воқеалар ўз аксини топган<sup>ix</sup>. Асарнинг ҳозирда учта қўлёзмаси мавжуд, бир нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида, иккита нусхаси Санкт-Петербургда сақланади. Ёзилиш тарихи ҳақида муқаддимада куйидаги маълумотлар келтирилган: «Бу китоб ўқувчиларга ва мутолаа этувчиларга маълум бўлсинки, мен Эрнийезбекнинг ўғли Муҳаммадризо мироб лақабим Огаҳий кўп вақтлардан бери Хоразм тарихини ёзиш билан ўз қаторларим ичида хурсанд эдим. Саййид Муҳаммадхон даврида бу асаримни ёзишга бошладим ва уни «Гулшани давлат» номи билан атадим»<sup>x</sup>.

Мазкур асарнинг бир нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма нусхаси настаълиқ хати билан қўқон қоғозига қора сиёҳда кўчирилган бўлиб, сарлавҳалари эса қизил сиёҳда ёзилган. Матни 25 сатрдан иборат. Нусха 1903 йили кўчирилган бўлиб, 280 varaқдан иборат<sup>xi</sup>.

Огаҳийнинг мазкур асарида икки нусха Россия ФА Қўлёзма институти хазинасида Е6-VIII ва 1891 (Nov 215) рақамлар билан сақланади. Биринчи нусха настаълиқ хати билан қора сиёҳда кўчирилган, боблар номи қизил сиёҳда, матн ҳам қизил рамка ичига олинган. Ушбу нусха 78 varaқдан иборат (мажмуадаги 525<sup>b</sup>-602<sup>a</sup> varaқлар). Ўлчови 27x48 см. бўлиб, кўчирилган вақти аниқ эмас. Саройи кутубхонасидаги мазкур нусха 1873 йили А.Кун тамонидан қўлга кириилган ва 1890 йили Осиё Музейига сотилган<sup>xii</sup>.

Иккинчи 1891 (Nov 215) рақамли нусха ҳам настаълиқ хатида, қора сиёҳ билан рангли рус фабрика қоғозига кўчирилган. Боблар номи қизил сиёҳда, муқоваси эса қора чармдан ишланганлиги билан Хоразм муқовасозлигига хослиги кўринади. Нусхани 1324/1906-07 йили Муҳаммад Раҳимхўжа валади Домулла Иброҳимхўжа Хоразмий кўчирган. Ҳажми 280 varaқ бўлиб, ўлчови эса 12,5x20 см. Мазкур нусханинг Хивадан А.Н.Самойлович Россияга 1908 йили олиб кетилган<sup>xiii</sup>.

Огаҳийнинг Хоразм тарихига оид асарларидан охиргиси 1865 йилдан 1872 йилгача Хоразмда бўлган воқеаларни баён этувчи «Шоҳид ул-иқбол» номли асаридир. Бу асарнинг дунёда ягона нусхаси Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда<sup>xiv</sup>. Бу нусха қора сиёҳда настаълиқ хати билан қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Ҳар бир бети 15 қатордан иборат. Муқоваси қизил чармдан ишланган. Асарда кўчирувчининг исми ва кўчирилган йили кўрсатилмаганлиги сабаб котиби номаълум. Асар 1872 йилги воқеаларни баёни билан тугаган. Асар 277 varaқдан иборат бўлиб, ўлчови 14x26 см<sup>xv</sup>. Огаҳий ушбу асарининг муқаддимасида қуйидагиларни ёзади: «Мен, Муҳаммадризо лақабим Огаҳий ёшлигимдан то шу вақтгача Хоразмда яшадим. Бу ерда ҳукмронлик қилган подшоҳларнинг тарихларини ёздим. Муҳаммад Раҳимхон II вақтида бу асарни ёзишга бошладим ва унга «Шоҳид ул-иқбол» деб ном қўйдим». «Шоҳид ул-иқбол» асарини Огаҳий Муҳаммад Раҳимхон II даврига атаб ёзишга киришган<sup>xvi</sup>. Бизга маълумки, мазкур асарнинг ягона нусхаси 1873 йили сарой талон-торожи вақтида Санкт-Петербургга олиб кетилган.

Мунис ва Огаҳийлар томонидан яратилган асарлар Хоразм тарихи ва маданиятини ўрганишда бирламчи манба бўлиб шу билан бирга Хивадаги китоб ва китобат, библио-психология масалаларни ўрганишда, хонлик кутубхонаси таркибини аниқлашда ҳам яқиндан ёрдам беради.

<sup>1</sup>Бартольд В. История культурной жизни Туркестана. – Санкт-Петербург., 1927. – С.113. Шу муаллиф. Сочинения. Часть II. М.: Издательство Восточной литературы. 1963. – С. 285-286.

<sup>2</sup> Огаҳий. Риёз уд-давла. // Қўлёзма. ЎзФА ШИ. – № 5364/11. Яна қаранг: СВР, VII. – № 5022.

<sup>3</sup>Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. I. История. – С.105 ва кейингилари. (Библиографиялари ҳам шу ерда).

<sup>4</sup> Огаҳий. Зубдат ут-таворих. // Қўлёзма. ЎзФА ШИ. – № 821/II. Яна қаранг: СВР, VII. – № № 5023,5024.

- 
- <sup>5</sup> Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон. – Б.126.
- <sup>6</sup> Огаҳий асарларининг тавсифи (каталог). – Т., 1986. – Б. 28-29.
- <sup>7</sup> СВР, VII. – №№ 5025,5021.
- <sup>8</sup> Огаҳий асарларининг тавсифи (каталог). – Т., 1986. – Б.30-31.
- <sup>9</sup> Ўша жойда.
- <sup>10</sup> Огаҳий. Гулшани давлат. // Қўлёзма. ЎзФА ШИ. – № 7572. – Б. 54-55.
- <sup>11</sup> СВР, VII. – № 5026.
- <sup>xii</sup> Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. I. История. – С.105. (Библиографияси шу ерда).
- <sup>xiii</sup> Ўша жойда. – С. 114-115.
- <sup>xiv</sup> Огаҳий. Шоҳид ул-икбол. // Қўлёзма. Россия ФА ҚИ. – № С572; (Қуйида шу асарнинг тавсифи ҳақида қаранг: Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. I. – С.115-116.
- <sup>xv</sup> Муниров К, Огаҳий. Илмий ва адабий фаолияти. –Т.: ЎзФА нашри, 1959. – Б.25-26.
- <sup>xvi</sup> Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон. Т.: Абдулла Қодирий,1999. – Б.126